


“КЕЛИШИЛДИ”


Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш
бош бошқармаси Хусусийлаштирилган
ва пуллик тиббий хизматни ташкил
этиш бўлими бошлиғи


А.Газиев
2016 й.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент шаҳар ОИТСга қарши
курашиш маркази бош вақри


В.Баротова
2016 й.



**Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош
бошқармасининг Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш
марказида жисмоний ва юридик шахсларга пуллик тиббий
хизмат кўрсатиш тўғрисидаги**

НИЗОМ

Тошкент 2016 й.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ва “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2107 сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини молиялаш-тиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2000 йил 25 январда 880-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш” тўғрисидаги тартибга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш қоидаларини белгилайди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказида (Рўйхати ССВнинг 2016 йил 02 августдаги 340-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган) Тошкент шаҳри аҳолисига ва юридик шахсларга давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар бепул асосда, қолган қўшимча хизматлар тарафлар ўзаро келишган ҳолда пуллик асосда кўрсатилади.

I. Умумий қоидалар

1. Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига кўрсатилади. Давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлардан ташқари тиббий хизматлар қўшимча хизматлар ҳисобланади ва тарафлар ўзаро келишган ҳолда пуллик асосда кўрсатилади.

Қўшимча тиббий хизматлар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг махсус рухсатномаси билан фуқароларнинг, шунингдек Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказининг ўз маблағлари ҳамда қонун билан таъқиқланмаган бошқа манбалари ҳисобига амалга оширилади.

2. Фуқароларга шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам бепул асосда кўрсатилади.

II. Пуллик хизматга рухсатнома олиш тартиби

3. Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан бериладиган пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома асосида амалга оширилади.

III. Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиби

4. Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказида пуллик тиббий хизматларга нархлар калькуляцияси Адлия вазирлигидан 2000 йил 25 январда рўйхатдан ўтказилган 880-рақамли Тартибга ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 26 ноябрдаги 526-сонли буйруғига асосан шакллантирилади.

5. Пуллик тиббий хизматларга калькуляция тиббиёт муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

6. Пуллик тиббий хизмат тиббий кўриқдан ўтмоқчи бўлган шахсларга шартнома асосида кўрсатилади. Шартнома ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Ёзма шартномада пуллик тиббий хизмат олиш муддатлари, шартнома қиймати, ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланади. Беморга тиббий хизмат кўрсатилгандан сўнг, яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилади.

7. Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ҳамда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бош врач томонидан тасдиқланган пуллик тиббий хизмат прејскуранти тиббий кўриқдан ўтмоқчи бўлган шахслар эътиборига етказилиши мақсадида фуқаролар учун қулай жойларда осилган бўлиши керак.

Шу жумладан, пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома, тиббиёт муассасанинг юридик манзили, телефон рақамлари, иш вақти каби маълумотлар беморларга кўринарли жойда бўлиши лозим.

8. Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказида пуллик хизмат учун тўловлар нақд пул, пластик карточка ҳамда пул кўчириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

9. Тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатувчи банк билан шартнома асосида банк газнасини ташкил қилиши мумкин.

10. Тиббиёт муассасаси бюджетдан ташқари тушадиган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузади ва ўрнатилган тартибда тасдиқлайди.

11. Тиббиёт муассасаси пуллик хизмат кўрсатиш вақтида ихтиёрида бўлган асосий воситалардан фойдаланиши мумкин.

12. Тиббиёт муассасаси ССВнинг 2016 йил 02 августдаги 340-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 2-иловасида келтирилган сервис хизмат турларини ташкил қилиши мумкин.

Иш жараёнининг зарурати билан ёки аҳолининг қўшимча сервис хизмат турларига эҳтиёжи вужудга келган ҳолларда, ушбу хизмат турлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларида кўрсатилмаган бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

13. Тиббиёт муассасаси томонидан ташкил қилинадиган сервис хизмат турлари бюджет маблағларига, сифатига ва бошқа омилларга салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Тиббиёт муассасаси томонидан ташкил қилинадиган сервис хизмат турлари аҳолининг хошига кўра ихтиёрий тарзда кўрсатилади ва аҳолининг барча қатламларига пуллик асосда амалга оширилади.

14. Тиббиёт муассасаси пуллик хизматлар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориши, ўрнатилган тартибда ва муддатларда юқори бошқарув органига ва статистика органларига белгиланган шаклларда ҳисоботларни топшириши шарт.

IV. Яқуний қондалар

15. Пуллик тиббий хизматни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли кўрсатилиши учун Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази раҳбари шахсан жавоб беради.

16. Пуллик тиббий хизматлар сифати устидан назорат муассаса раҳбари томонидан амалга оширилади.

17. Тиббиёт муассаса ва тиббий хизмат олишга мурожаат этган шахслар ёки юридик шахслар ўртасида юзага келадиган эътироз ва тортишувлар ўзаро келишувга асосан, бундай келишувга эришилмаса, Соғликни сақлаш бош бошқармаси ёки суд органларида ҳал этилади.

18. Мазкур Низом талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.